



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 26 июль, № 153 (7111)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Аҳолига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлиги ошади

Нефрологик касалликлар сўнгги вақтларда “ёшариб” бораётган ва аҳоли орасида кўп кузатилаётган хасталиклардир. Улар, асосан, меҳнатга лаёқатли кишиларда учрайди. Белгилари тезда намоён бўлмаслиги мумкин, бироқ терминал буйрак етишмовчилигига сабаб бўлиши билан хавфлидир.

Қандли диабет, сурункали гломерулонефрит ва пиелонефрит, буйрак поликистози нефрологик касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Терминал ва ўткир буйрак етишмовчилигига дучор бўлган беморларни даволашда фақатгина икки усул самаралидир: биринчиси, программали гемодиализ, иккинчиси, буйрак трансплантацияси.



Мамлакатимизда ҳозирги кунда 2 минг 600 га яқин буйрак етишмовчилигининг терминал босқичидаги беморлар бор. Афсуски, уларни даволашда замонавий усуллардан тўла фойдалана олмаётимиз. Республика ва барча вилоят тиб-

биёт муассасаларида нефрологик касалликларга чалинган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилган бўлишига қарамай, уларнинг турмуш сифатини яхшилашни таъминлайдиган шарт-шароитлар за-

Тиббиёт

мон талабларига мос эмас. Жумладан, юртимиз тиббиёт масканларида гемодиализ олиш учун ўринларнинг умумий сони реал эҳтиёждан бир неча баравар кам, гемодиализ бўлималарининг ярмидан ортиги мослаштирилмаган хоналарда жойлашган, зарур мосламалар ва машиналарнинг белгиланган фойдаланиш муддати ўтиб кетган.

Беморларга ўз вақтида ташхис қўйишнинг самарали тизими яратилмагани касалликни барвақт аниқлаш ва унинг олдини олишда турли камчиликларни юзага келтирмоқда. Президентимизнинг шу йил 12 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш, тармоқда замонавий инфратузилмани ривожлантириш ва беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган.

(Давоми 4-бетда).



Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ



Долзарб масаланинг амалий ечимлари

Кўп қаватли уйлarda турли муаммолар учраб туради. Гоҳ иссиқ сув қувури бузилади, гоҳида кириш йўлагидagi ойналарни алмаштиришга тўғри келади. Болалар майдончаси, уй атрофини ободонлаштириш масаласи ҳар доим долзарб. Бундан ташқари, чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш лозим... Қисқаси, уй-жой мулкдорлари ширкати ходимларининг қиладиган ишлари кўп.

Мамлакатимизда 32 минг 400 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи 4 мингдан ортиқ ана шундай ширкатлар мавжуд бўлиб, турар ва нотураржойлардан фойдаланиш ва сақлаш масъулияти айнан улар зиммасида. Ҳўш, бугунги кунда ширкатларда бу вазифалар қай даражада удаланмоқда? Соҳадаги муносабатларнинг қонуний асослари мустаҳкамланганми?

Бир гуруҳ депутатларнинг фикрига кўра, уй-жой ва коммунал соҳада фойдаланилмаётган ҳамда тўлиқ ишга солинмаган имкониятлар мавжуд. Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ЎзЛиДеП фракцияси билан биргаликда ташкил этган тадбирда алоҳида таъкидланди.

Соҳадаги муаммолар ечимига хизмат қиладиган қонунчилик нормаларини тақлиф этиш мақсадида қўмита томонидан “Кўп квартиралар уйларида турар ва нотураржойлардан, умумий мулкдан фойдаланиш ва уларни сақлаш тартиби тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда белгиланган меъёрлар ҳамда янгиликлар депутатлар, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирокида муҳокама этилди.

— 1991 йилда уй-жой билан таъминлаш кўрсаткичи юртимизда жон бошига 12,4 квадрат метри ташкил этган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 15,2 кв.м.га тенг, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Клара Жумамуротова. — Уй-жой қурилиши соҳаси фаол ривожланиши баробарида, умумий мулк ва улардан фойдаланиш борасида ҳам ечимини қутаётган муаммо-

лар вуҷудга келяпти. Жумладан, кўп қаватли уйлarning ташқи фасад архитектурасининг бузилиши, тез тиббий ёрдам ва ёнғин хавфсизлиги техникаларига ҳалақат қилувчи ноқонуний қурилишлар, руҳсат этилмаган жойларни ўраб олиш каби ҳар қандай қонун лойиҳасида кўп квартиралар уйларида турар ва нотураржойларни сақлаш тартиби, мол-мулк соҳибларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари белгиланган. Уйни бошқаришда фуқаролар, мулкдорлар, эксплуатация қилишни амалга оширувчи ҳамда бошқарувчи ташкилотлар, шунингдек, кўп квартиралар уйга мустақил хизмат кўрсатувчи хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига ҳам талаблар қўйилмоқда.

Қонун лойиҳасида фуқароларнинг яшаш шароитлари бўлишига олиб келувчи ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тўғри келувчи ҳар қандай қонун лойиҳасида бошқа мулкдорларга ёки унинг конструктив тузилишига зарар етказилишига йўл қўйилмаслиқ масалаларига ҳам эътибор қаратилган.

Шунингдек, кўп квартиралар уйларида умумий мулкни жорий ва мукамал таъмирлаш, муҳандислик тизимлари сақланувчанлиги, санитар-эпидемиология ва техник талабларга риоя этилиши, уй-жойга тегишли ҳовлини ободонлаштириш каби масалалар ўз ақлини топмоқда. Қурилиш ишларини ўтказишда шовқин даражаси кўрсаткичлари меъёрини сақлаш каби нормалар ҳам лойиҳада келтирилган.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

Навий вилоятидаги 305 та маҳалланинг 107 тасида биронта ҳам жиноят содир этилмаган. Утган давр мобайнида ҳудудда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилган, жумладан, вилоятнинг жиноят кўп содир этилган 10 та маҳалласини намунавий маҳаллага айлантиришга қаратилган “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилгани бунда муҳим омил бўлди. Бу ҳақда Худудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссияси ҳамда халқ депутатлари Навий вилояти Кенгашининг қўшма ййгилишида сўз юритилди.

Жиноятчиликка қарши курашишда секторлар нега суст?!

Вилоятда жорий йилнинг олти ойида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасида амалга оширилган ишларни ўрганиш натижалари муҳокама қилинган ййгилишда вояга етмаганлар, ишламайдиганлар, илгари судланганлар, аёллар ва ёшлар томонидан жиноят содир этилиши ҳолатлари бирмунча камаянган.

Бироқ ютқуқлар қаторида айрим йўналишларда камчиликлар ҳам борлиги аниқланган. Хусусан, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш борасида секторлар фаолияти ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилмаганлиги натижасида вилоятда ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари, Кармана ва Қонимех туманларида безорилик, Учқудуқ шаҳрида автотранспорт олиб қочиш, Нурота ва Хатирчи туманларида товланмалик каби жиноятлар сони ошган. Ички ишлар идоралари ва маҳалла тизимининг ўзаро ҳамкорлиги самарали тарзда йўлга қўйилмаган, коллеж

ўқувчиларини таълимга тўлиқ жалб қилиш чоралари кўрилмаган. Вилоятда ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида ўтказилган 44 та меҳнат ярмаркасида қатнашган ёшларнинг фақат 16,1 фоизи ишга жойлаштирилган. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳисобида турган аксарият гиёҳвандлар, ичкиликка ружу қўйганлар ва тазовузкор руҳий касалларнинг мажбурий даволаши таъминланмаган. Ушбу тоифадаги шахсларни даволаш учун фақат Карманада 60 ўринли наркология диспансери мавжуд ҳолос.

Тадбир якунида Худудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш бўйича Республика комиссияси ҳамда халқ депутатлари Навий вилояти Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинди. Ййгилишда Республика комиссияси раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н. Йўлдошев иштирок этди.

Темур ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбекистоннинг ядро энергетикасини ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатлари мутлақо тўғри ва ниҳоятда оқилона қарордир»

Олимларнинг фикрича, атом энергияси ҳажми, узоқ муддатга етиши ва самарадорлигига кўра бугун дунёда мавжуд барча энергия манбаларидан устун туради.

Ўзбекистоннинг яқин келажақда ушбу энергиядан фойдаланадиган давлатлар сафига кириши тўғрисидаги хабар қисқа муддатда халқро ҳамжамятда катта қизиқиш уйғотди.

Дунё нигоҳи

Хусусан, Ҳиндистоннинг “The Economic Times” газетасида чоп этилган мақолада 32 миллиондан



ортик аҳолига эга республикамизнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи, асосан, газ ва кўмир ҳисобига ҳамда гидроэлектрстанциялар орқали қондирилаётгани айтилади. “Аҳоли сонининг тез суръатлар билан ўсиб бораётгани, газ ва кўмир ресурсларининг

чекланганини назарда тутган ҳолда Ўзбекистоннинг ядро энергетикасини ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатлари мутлақо тўғри ва ниҳоятда оқилона қарордир”, деб ёзилади нашрда.

Ушбу мавзу юзасидан қўриқ юритилар экан, Сингапурнинг “The Straits Times” газетасида сўнгги вақтларда Ўзбекистон юритаётган очкичлик сиёсати туфайли мамлакатга қўллаб қўриқий сармоядорлар кириб келаётгани

ни ва янгидан-янги ишлаб чиқариш корхоналари қурилаётгани натижаси-

да энергияга эҳтиёж кескин ортгани кайд этилади.

Республиканинг салмоқли уран захираларига эгаллиги атом соҳасини тарққий топтириш учун катта имконият яратди: “Дунёнинг қатор давлатлари атом электр станциялари учун хом ашёни четдан импорт қилишга мажбур бўлиб, бу маҳсулот таннархига салбий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон эса табиий ресурслари, жуғрофияси ва иклими жиҳатидан қулай шарт-шароитларга эга. Натижада ишлаб чиқариш энергияни нафақат аҳолига арзон нархда етказиб бериш, балки истикболда экспорт қилиш ҳам мумкин”.

Туркиянинг “Anadolu” ахборот агентлиги тарқатган мақолада кейинги вақтда чет эл компаниялари Ўзбекистоннинг ядро энергияси соҳасидаги имкониятларига катта қизиқиш билдираётгани таъкидланди.

ни ва янгидан-янги ишлаб чиқариш корхоналари қурилаётгани натижаси-

да энергияга эҳтиёж кескин ортгани кайд этилади.

Республиканинг салмоқли уран захираларига эгаллиги атом соҳасини тарққий топтириш учун катта имконият яратди: “Дунёнинг қатор давлатлари атом электр станциялари учун хом ашёни четдан импорт қилишга мажбур бўлиб, бу маҳсулот таннархига салбий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон эса табиий ресурслари, жуғрофияси ва иклими жиҳатидан қулай шарт-шароитларга эга. Натижада ишлаб чиқариш энергияни нафақат аҳолига арзон нархда етказиб бериш, балки истикболда экспорт қилиш ҳам мумкин”.

Туркиянинг “Anadolu” ахборот агентлиги тарқатган мақолада кейинги вақтда чет эл компаниялари Ўзбекистоннинг ядро энергияси соҳасидаги имкониятларига катта қизиқиш билдираётгани таъкидланди.

ни ва янгидан-янги ишлаб чиқариш корхоналари қурилаётгани натижаси-

да энергияга эҳтиёж кескин ортгани кайд этилади.

Республиканинг салмоқли уран захираларига эгаллиги атом соҳасини тарққий топтириш учун катта имконият яратди: “Дунёнинг қатор давлатлари атом электр станциялари учун хом ашёни четдан импорт қилишга мажбур бўлиб, бу маҳсулот таннархига салбий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон эса табиий ресурслари, жуғрофияси ва иклими жиҳатидан қулай шарт-шароитларга эга. Натижада ишлаб чиқариш энергияни нафақат аҳолига арзон нархда етказиб бериш, балки истикболда экспорт қилиш ҳам мумкин”.

Туркиянинг “Anadolu” ахборот агентлиги тарқатган мақолада кейинги вақтда чет эл компаниялари Ўзбекистоннинг ядро энергияси соҳасидаги имкониятларига катта қизиқиш билдираётгани таъкидланди.

ни ва янгидан-янги ишлаб чиқариш корхоналари қурилаётгани натижаси-

да энергияга эҳтиёж кескин ортгани кайд этилади.

Республиканинг салмоқли уран захираларига эгаллиги атом соҳасини тарққий топтириш учун катта имконият яратди: “Дунёнинг қатор давлатлари атом электр станциялари учун хом ашёни четдан импорт қилишга мажбур бўлиб, бу маҳсулот таннархига салбий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон эса табиий ресурслари, жуғрофияси ва иклими жиҳатидан қулай шарт-шароитларга эга. Натижада ишлаб чиқариш энергияни нафақат аҳолига арзон нархда етказиб бериш, балки истикболда экспорт қилиш ҳам мумкин”.

Туркиянинг “Anadolu” ахборот агентлиги тарқатган мақолада кейинги вақтда чет эл компаниялари Ўзбекистоннинг ядро энергияси соҳасидаги имкониятларига катта қизиқиш билдираётгани таъкидланди.

ни ва янгидан-янги ишлаб чиқариш корхоналари қурилаётгани натижаси-

да энергияга эҳтиёж кескин ортгани кайд этилади.

Республиканинг салмоқли уран захираларига эгаллиги атом соҳасини тарққий топтириш учун катта имконият яратди: “Дунёнинг қатор давлатлари атом электр станциялари учун хом ашёни четдан импорт қилишга мажбур бўлиб, бу маҳсулот таннархига салбий таъсир кўрсатади. Ўзбекистон эса табиий ресурслари, жуғрофияси ва иклими жиҳатидан қулай шарт-шароитларга эга. Натижада ишлаб чиқариш энергияни нафақат аҳолига арзон нархда етказиб бериш, балки истикболда экспорт қилиш ҳам мумкин”.

Туркиянинг “Anadolu” ахборот агентлиги тарқатган мақолада кейинги вақтда чет эл компаниялари Ўзбекистоннинг ядро энергияси соҳасидаги имкониятларига катта қизиқиш билдираётгани таъкидланди.

ни ва янгидан-янги ишлаб чиқариш корхоналари қурилаётгани натижаси-

Мўйноқда газ кони фойдаланишга топширилди

Мўйноқ туманидаги Қуйи Сурғил ҳудудида иккинчи қудуқ очилиб, саноят захираларида табиий газ оқими ва газ конденсати олишга киришилди.

ИЗЛАНИШ

“Ўзбекнефтгаз” АЖДан маълум қилишларича, жорий йилнинг январь ойида ушбу ҳудудда биринчи кон фойдаланишга топширилган эди. Шундан сўнг бу ерда геологлар ҳулосалари асосида бургиловчилар ишни давом эттирдилар. Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз нефть-газ саноатини ривожлантириш дастурида Сурғил кони алоҳида аҳамиятга эга. Уни қазиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва бой ресурсларни қайта ишлаш

инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу ҳудудда катта ҳамда газ захиралари мавжудлиги аниқланган. Яқин келажақда яна шундай бир неча қудуқлар топилши ва ишга туширилиши кутляпти. Бугунги кунда “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг геофизиклар, геологлар ҳамда муҳандислардан иборат махсус гуруҳи Қуйи Сурғилда қидирув ишларини фаол олиб бормоқда. Ушбу жараёнда энг замо-



навий техникалар ва асбоб-ускуналардан фойдаланилаётир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми 3-бетда).

Долзарб масаланинг амалий ечимлари

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— 2013 — 2018 йилларда пойтахтнинг бир қатор кўп қаватли уйларида кредит маблағлари асосида уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан 590 миллиард сўмлик қурилиш, таъмирлаш ишлари олиб борилди, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича биринчи ўринбосари Нодиржон Мақсумов. — Биргина 2018 йилнинг ўзида 153 миллиард сўмлик кредитларни йўналтириш назарда тутилган. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Кўп квартиралар унинг атрофини ширкат обод қилиб беради. Орадан маълум муддат ўтганидан кейин ўша худудга борсан-

гиз, атрофга умуман қараб бўлмайдими. Аҳолининг ўзи ҳам бу борада масъулиятни бўйнига олиши керак. Ёки ширкатларнинг раҳбарлари кимлар, қандай мутахассислар? Бугун бирор-бир таълим муассасасида шундай мутахассислик ўқитиладими? Шаҳар-созлик тобора ривожланиб бораётгани сари бу каби мутахассисларга талаб ортади. Бу ҳам жуда жиҳдий масала. Бизга ишнинг кўзини билдирган мутахассислар керак. Ўйламанки, қонун лойиҳасида масаланинг ушбу томонлари ҳам инобатга олинади. Муҳокама ҳаётида тадбир иштирокчилари томонидан қонун лойиҳасида ўз ақсини топаётган нормаларни янада такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Фаолиятимиз ўзгарди, аммо бу етарли эмас

"Миллий тикланиш" демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларининг 2018 йил биринчи ярмида қонун ижодкорлиги соҳасида фаолиги бирмунча ошди. Депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 11 қонун лойиҳаси киритилган бўлса, унинг 9 тасида айнан фракция аъзолари иштирок этди. Бунда фракция аъзолари ўз фаолиятини президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида ҳамда парламентга Мурожаатномасида белгиланган устувор йўналишлар асосида ташкил этгани муҳим омил бўлди.

Бундан ташқари, партия дастурий вазифалари ва электорат манфаатлари ҳамда фуқаролар муурожаатларидан келиб чиқиб, бир қатор ташаббуслар илгари сурилди. Масалан, фракция аъзолари томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги, "Жамоат жойларида чилм ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди. Кенг жамоатчиликнинг қизгин муҳокамаларида сабаб бўлган "Жамоат жойларида чилм ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида"ги Қонун 2018 йил 2 июль кунини давлатимиз раҳбари томонидан имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил этилган матбуот анжуманида бу ҳақда "Миллий тикланиш" ДП фракция раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Сарвар Отамуродов ахборот берди. Унинг таъкидлашича, қуйи палатага киритилган 73 та қонун лойиҳасининг 41 тасида фракция аъзолари

масъул бўлиб, уларнинг қабул қилинишида ҳам фаол иштирок этди. Матбуот анжуманида журналистлар фракциянинг маданий мерос объектларини асраш тадбирларидаги иштироки ва позицияси билан қизиқди. Фракция раҳбарининг маълум қилишича, бу борада "Миллий тикланиш" ДП қонунчилик тажрибасида илк бор ҳукуматга мазкур масала юзасидан тақлиф киритган. Унга кўра, 4 та қонуности ҳужжати ва Вазирлар Маҳкамасининг маданий мерос объектлари муҳофазаси билан боғлиқ қарори қабул қилинди. Бу иш бундан кейин ҳам фракция аъзоларининг диққат-эътиборида бўлиши таъкидланди. 2018 йил якунига қадар маданий вазирининг бу борада олиб борилаётган ишлари юзасидан Парламент эшитувини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Анжуманда қайд этилганидек, партия фракциясининг фаолиятида ўзгаришлар кузатилди, аммо ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Айниқса, янги таҳрирдаги "Туризм тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, амалий тадбирлар салмоқини янада кучайтириш, режадаги тадбирларнинг ўз вақтида ижросини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Мунисон КАРИМОВА.

Афшан ХАН, ЮНИСЕФнинг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий директори:

"Ўзбекистоннинг баркамол авлод ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдаги интилишлари БМТ қарашларига мос келади"

Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида инсон манфаатларини таъминлаш, халқаро ҳуқуқ ва меъёрларга риоя этишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Мамлакат ҳукумати 2013 йилда БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан тақлиф этилган тавсияларни қабул қилди. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни амалга ошириш бўйича Идора-лараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилди. Янги Миллий ҳаракатлар режасига кўра, БМТ қўмитасининг тавсияларини бажариш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Айтиш керакки, ёшлар ҳуқуқ ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида ҳукумат томонидан билдирилган қарашлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ёшларга сармоя киритиш позициясига ҳар жиҳатдан мос келади. Сўнги икки йил ичида Ўзбекистон ислохотларни рўйбга чиқариш бўйича кенг қўламли

дастурни ишлаб чиқди. Ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари масаласида БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) билан ҳамкорлик кенгайиб борапти. Бундай янги сазъ-ҳаракатлар болалар ҳамда ёшларнинг орзу-умидлари ва манфаатларини ўзида акс эттирган бўлиб, ҳеч бир фарзанд бундай эътибордан четда қолиб кетмаслигини назарда тутди. Бугунги кунда оналар ҳамда болалар саломатлигини муҳофазасида қилиш масаласида соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатилиши учун тиббиёт ходимлари маъласини оширишга қўмақлашмоқдамиз. Кучли ижтимоий сиёсат ҳамда халқаро ҳамкорлик туфайли Ўзбекистон вакцинация бўйича юқори

Сувнинг ҳар қатраси зарга тенг, деган иборанинг аҳамияти, таъсирини бугун ҳар қачонгидан-да кўпроқ ва тереңроқ сезяпмиз. Сабаби ушбу неъмат йил сайин танқис бўлиб бормоқда. Йил қурғоқчил келган вақтда бу ҳосилдорликка ўз таъсирини кўрсатапти.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Бунда, албатта, инсон омили ҳам бор. Бониси сув объектларида ўзбошимчилик билан олиб борилаётган "тадбиркорлик" ишларининг оқибатлари қимматга тушапти. Айниқса, қум-шағал материалларидан табиатга завола етказмаган ҳолда фойдаланиш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрда "Сув объектларини муҳофазасида қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги қатор муаммоларга ечим топиш, жумладан, соҳани тартибга солиш ва уни тизимлаштиришда муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Ушбу қарор ижроси парламент қуйи палатасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофазасида қилиш масалалари қўмитаси томонидан парламент назорати тартибидеда Қашқадарё вилояти мисолида ўрганилди. Очигани айтиш керак, қум-шағал материалларининг рухсатсиз казиви олиниши асарият қилиб ер усти ва ер ости сувлари камайиб кетиши, сувни муҳофазасида қилиш зоналари ботқоқлашиши ва ифлосланиши, уларнинг қирқоқлари, сугориш тизимлари, транспорт ва гидротехника инф-

Дарёлардаги ўзбошимча «тадбиркорлик» қимматга тушапти

ратузилма объектларининг бузилишига, шунингдек, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар самарадорлигининг пайсалишига олиб келмоқда. Ўрганишлар давомида Қашқадарё вилоятидаги дарё ўзанадарида қум-шағал материалларидан фойдаланишда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунбузилиш ҳолатлари йўл қўйилгани аниқланди. Жумладан, айрим тадбиркорларнинг бу борада лицензиясиз фаолият юриштириши ва мавжудлари ҳам техник шартларга эйд равишда қум-шағал материалларидан тартибсиз равишда фойдаланаётгани аён бўлди. Бунинг натижасида бугунги кунда мавжуд дарё ва бошқа сув объектлари ландшафтларига кескин ўзгариб, сув ва ер ресурсларига, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсига, улар яшаш ва ўсиш муҳитига, қум-шағал захираларига катта зиён етказилмоқда. Масалан, Китоб тумани худудидан оқиб ўтувчи Қашқадарё дарёсининг ҳозирги кунда "Ер қазии устаксидан фойдаланиш ҳуқуқини бевуқий" лицензия асосида қум-шағал аралаш-масини казиви олиш билан шугулланадиган "Қашқадарё" ХФ ҳамда "Китоб темир-бетон буюмлари" МЧЖ томонидан қум-шағал аралашмаси тар-

латибузилишда олиниши туфайли дарё ўзани бузилиши ва сув оқимининг хавфли ўзгаришига, қирқоқларнинг емирилишига сабаб бўлаётгани аниқланди. Энг ачинарлиси, Жанубий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси томонидан казиви олинган қум-шағал аралашмаси ҳисоби юриштирилган қулатилди. Гўзор дарёсининг ўзани казиви олиниши оқибатда қирғоқда 20 — 30 метрлик чуқурлик, энгига эса 100 — 150 метргача бўлган жарликлар ҳосил бўлган. Бунинг натижасида бугунги кунда мавжуд дарё ва бошқа сув объектлари ландшафтлари кескин ўзгариб, сув ва ер ресурсларига, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсига, уларнинг яшаш ва ўсиш муҳитига ҳамда қум-шағал захираларига катта зиён етказилмоқда. Дарёлар ўзанадари қум-шағал захираларидан қонуний фойдаланиш, оқибатда ўзана қучурлашиб, ер усти ва ер ости ичимлик суви захираларининг ифлосланишига, дарё ўзанадаридаги айрим стратегик объектлар, жумладан, кўприклар, магистрал йўллар, газ ва сув қувурлари хавфсизлигига жиҳдий хавф солаётди. Шу билан бирга, дарё ўзанадарида ҳосил бўлган қонуний чикиндиҳоналар, ўз навбатида, маҳаллий аҳоли орасида турли инфекцион касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Дарё ўзанадари қучурлашиши қирқоқлар ўпирилиши, ботқоқчилик пайдо бўлишига олиб кел-

япти. Энг хавфлиси, дарё атрофида деҳқончилик юритиб келаётган маҳаллий аҳолининг минглаб гектар майдонлари ва хўжаликларнинг сув таъминотига салбий таъсир кўрсатиши натижасида экин ерларининг таназзул жараёни тезлашишига сабаб бўлмоқда. Президент қарори ижроси юзасидан вилоятда амалий чора-тадбирлар олиб борилаётгани ҳам ўрганишлар давомида маълум бўлди. Хусусан, вилоятда 62 та корхона ва ташкилотга дарё ўзанадари тазолаш ҳамда қирғоқчи мустаҳкамлаш ишлари учун ажратилган ер майдонлари захирасига қайтарилиб, қум-шағал казиви олунчи махсус транспорт воситалари дарё ўзанадари ва қирғоқларидан чиқартирилган.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига биноан, бундан кейин тегишли комиссиянинг қарорисиз тадбиркорлик субъектларига ушбу фаолият учун ер участкаларини ажратиш тақиқлаб қўйилди. Мазкур қарор ижроси устидан назорат қилувчи органларнинг оғохлантиришига қарамай, фаолиятини давом эттирган ёки ўзбошимчилик билан қонуний фаолият юритиб бундан ташқари, Экология ва атроф муҳитни муҳофазасида қилиш масалалари қўмитасининг ушбу жараёнда аниқланган камчиликларини бартараф этишга қаратилган тавсиялари акс этган қарори қабул қилинди ҳамда мутасадди идора ва ташкилотларга юборилди. Президент қарорининг ҳаётга самарали таътиб этилиши дарё ва сув ҳавзалари ўзанадари тазолаш, қирғоқларини мустаҳкамлаш, нуруда фойдали қазилмалар, хусусан, қум-шағал материалларини қонуний казиви олишга чек қўйиш, улар билан шугулланувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсирини бартараф этишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

ган 32 нафар фуқаро ва мансабдор шахсга нисбатан 11,2 миллион сўм миқдорда маъмурий ҳақ чораси қўланилган. Албатта, юртимизда бизнес муҳитини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишлардан мазкур соҳа ҳам ҳоли эмас. Бу йўналишдаги тадбиркорлик субъектларига қўлайликлар яратиш мақсадига нуруда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қазирдан фойдаланиш соҳасида лицензиялар бериш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилди. Янги тартибга асосан, эндиликда тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиши учун 20 — 30 кун ичида лицензия олиши мумкин. Танганинг икки томони бўлгани каби Президент қарорига, асосан, мазкур фаолиятда тартибини бузганлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашё-ни мусодара қилишга бўлган жа-вобгарликни кучайтириш мақсадига Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилгани ҳам айтиб ўтиш ўринли.

Ислом ХУШВАҚТОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Коррупцияга йўл қўйилмайди



Коррупция жамиятда носоғлом муҳитни, салбий иллатларни юзага келтиради, ижтимоий адолатга раҳна солиб, фуқароларда давлат органларига ишонқисизлик кайфияти кучайишига олиб келади. Шу боис унга қарши курашиш жамиятда устуворлик касб этиб, тараққиётнинг асосий йўналишларидан бирига айланади.

Лекин тараққиётимизга болта ураётган порахўрлик иллатини таг-томири билан йўқ қилиш бўйича зарур чоралар қўрилишига қарамай, афсуски, бу борада кўнгилни хира қиладиган далиллар, рақамлар ҳали-ҳамон кузатилмоқда. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида турли ташкилот ва идораларга ишга қабул қилиш жараёнидаги коррупция ҳолатлари юзасидан 128 та жиноят фож этилган. Шундан 47 таси тиббиёт соҳасида, 27 таси фирибгарлар томонидан ҳуқуқ-тартибот идораларига ишга олиб кириш ҳолатлари бўйича, 24 таси ишлаб чиқариш тармоғида, 17 таси таълим ва 5 таси бошқа соҳаларда содир этилган бўлса, 8 та ҳолат фуқароларни чет элга ишга қонқонуний жўнатиш ва жойлаштириш билан боғлиқ жиноятлардир. Худудлар кесимида оладиган бўлсак, Андижон, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида 17 тадан, Бухоро вилоятида 14 та, Навоий вилоятида 13 та, Тошкент шаҳрида 12 та, Тошкент вилоятида 8 та, Наманган вилоятида 7 та, Қорақалпоғистон Республикаси ва Самарқанд вилоятида 5 тадан, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида 4 тадан, Сурхондарё вилоятида 3 та ҳамда Жиззах вилоятида 2 та ҳолат қайд этилган. Тилга олинаётган порахўрлар ва уларнинг гунаҳгарлари жамиятнинг но-зиқ халқасига болта урмаганларида эди, бу мавзуга яна қайтилмаган бўлар эди. Аммо...

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида турли ташкилот ва идораларга ишга қабул қилиш жараёнидаги коррупция ҳолатлари юзасидан 128 та жиноят фож этилган. Шундан 47 таси тиббиёт соҳасида, 27 таси фирибгарлар томонидан ҳуқуқ-тартибот идораларига ишга олиб кириш ҳолатлари бўйича, 24 таси ишлаб чиқариш тармоғида, 17 таси таълим ва 5 таси бошқа соҳаларда содир этилган бўлса, 8 та ҳолат фуқароларни чет элга ишга қонқонуний жўнатиш ва жойлаштириш билан боғлиқ жиноятлардир. Худудлар кесимида оладиган бўлсак, Андижон, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларида 17 тадан, Бухоро вилоятида 14 та, Навоий вилоятида 13 та, Тошкент шаҳрида 12 та, Тошкент вилоятида 8 та, Наманган вилоятида 7 та, Қорақалпоғистон Республикаси ва Самарқанд вилоятида 5 тадан, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида 4 тадан, Сурхондарё вилоятида 3 та ҳамда Жиззах вилоятида 2 та ҳолат қайд этилган. Тилга олинаётган порахўрлар ва уларнинг гунаҳгарлари жамиятнинг но-зиқ халқасига болта урмаганларида эди, бу мавзуга яна қайтилмаган бўлар эди. Аммо...

ариза билан муурожаат қилган фуқаронинг ўглини "ички ишлар тизимига ишга киритаман", дея 2 минг, қариндоши Арабовни "Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига ишга жойлаштираман", деб яна 2 минг АҚШ доллари сўради. "Ҳожатбарор" бу шовқоз Шаҳрихон туманидаги супермаркетда 4 минг доллари олаётганда жиноят устида қўлга тушди. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан ўтказилган тезкор тадбирга Уктам Ҳайитов фуқаро Отабек Турсуновдан "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига ишга жойлаштириб қўяман", дея 1000 АҚШ доллари талаб қилади. Шу йилнинг 11 январь кунининг ҳам етиб борар манзили Гиждувондаги "Бек" кафеси бўлди. Ҳайитовнинг ўзи иқдор бўлишича, у пулни ҳеч кимга бермоқчи бўлмаган ҳамда ишга кирмоқчи бўлган ўз юртдошини тунанган. — Мен ишга қўймоқчи эмасдим, — дейди Уктам Ҳайитов. — Буни уздайла олмасдим барибир. Чунки у ерда ҳеч қанақа танишим йўқ. Фақат пул олиш учунгина шу нарсани ўйлаб топдим. Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг ҳамкорликдаги тадбири натижасида у фарзанднинг онаси, олий маълумоти Махлиб Тўйева Анвар Отахоновнинг ишончига кириб, 3,5 минг АҚШ доллари эвазига уни танишларни орқали Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик қоровул қўшинлари сафига шартнома асосида ҳақиқий ҳарбий хизматга ишга жойлаштириб қўйишни ваъда қилади. Натижада кимёвий ишлов берилган 3500 АҚШ долларини олган вақтда ушланиб, тегишли тартибда ҳужжат-

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Қишлоқ хўжалиги — мамлакатимиз иқтисодийотида муҳим ўрин тутадиган соҳалардан бири. Шу маънода, уни модернизациялаш, экин майдонларини оптималлаштириш, сув ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳаётий заруратдир.

Ташаббус кўрсатиб ишлайдиган вақт келди

Халқимизни боқадиган, кийинтирадиган фермер, деҳқон хўжалиқлари, томорқа ер эгалари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тизимда самарадорликка эришиш мақсадига барча мутасаддилар, айниқса, туманлардаги сектор раҳбарлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, сенаторлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари билан ҳамкор муамнафас бўлиб ҳаракат қилиши талаб этади. Айти пайтда Андижон вилоятида 15 мингга яқин фермер хўжалиқлари фаолият юриятяпти. Уларнинг салкам 5,5 мингтаси кўп тармоқли субъектларга айлантирилди. Кўп тармоқли фермер хўжалиқлари эндиликда хом ашё етиштириш билан чекланиб қолмасдан, замонавий технологиялар ёрдамида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ни ўзлаштирмоқда. 2016 — 2020 йилларда соҳани янада ривожлантириш дастурига асосан, ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ҳамда галла майдонлари қисқартирилиб, у ерларда мева-сабзавот, полиз ва дуккакли экинлар етиштирилишти, замонавий интенсифог ҳамда токзорлар барпо этилмоқда. Хусусан, сўнги икки йил мобайнида 4,2 минг гектар пахта ҳамда 8 минг гектар галла майдонлари қисқартирилгани фикримиз далилидир. Қир-адирлардан ҳам умумий фойдаланиш даврининг ўзи тақозо этимоқда. Шу боис Асака, Марҳамат, Қўргонтепа туманларидаги 4 минг 329 гектар адир ерларга хандон писта ва ёнғоқ қўчталари экилди. Шунингдек, "Шафран илмий-тадқиқот маркази" маъсуляти чекланган жамиятга Қўргонтепа ҳамда Марҳамат туманларидан 20 гектар ер ажратилган писта, бодом, унаби каби доривор ўсимликларни етиштиришга катта туртки бераётди.

Яна бир муҳим масала, бу — томорқадан умумий фойдаланиш. Олтинқўл тумани томорқачиликдаги тахрибаси инобатга олинган ҳолда, намунавий туман сифатида танланган. Ҳозирги кунда туман-

даги 56 та маҳаллада агрофирмалар ташкил қилинди. 30 минг 114 та хонадонда умумий майдонини 301,1 гектар иссиқхоналар бунёд этилиб, лимон етиштирилишти. 15 мингдан ортқ хонадонларда экилган ёнғоқ ва унаби оила даромадига ҳисса бўлиб қўшилишти. Кредитга бўлган талаб ўрганилганда, унинг миқдори 164,7 миллиард сўмлик бўлиши аниқланди. Дастлабки босқичда агрофирмаларга 31,2 миллиард сўм маблағ тижорат банклари томонидан ажратилди. Президентимизнинг шу йил 7 июндаги "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарори яна бир қувончли воқеа бўлди. Унга кўра, жорий йилнинг 10 июнидан бошлаб намунавий тарзда Андижон вилоятининг туман ва шаҳарларида "Ҳар бир оила — тадбиркор" худудий дастури таътиб этиладиган бўлди. Айти кунларда вилоят ҳокимлиги томонидан маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда тегишли мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилиб, 878 та маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорлик билан шугулланиш истагидаги шахслар имкониятлари ўрганилмоқда. Бундай эзгу ташаббуслар оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, барқарор даромад манбаини шакллантириш орқали аҳолининг яшаш шaroитларини тубдан яхшилаш, турмуш даражасини оширишга қаратилгани билан гоятда аҳамиятлидир. Бугун кечаги кун эмас. Янги кун янгича гоя ва ёндашувлар асосида фаолият юритишни талаб қилмоқда. Демак, ҳар кун, ҳар соҳада ташаббус кўрсатиб, сидикдилдан ишлайдиган давр келди. Президентимиз талаби ҳам аслида шу, Ватанимиз тараққиоти учун ҳисса қўлиш, одамларни рози қилиш — энг олий саодат.

Абдурауф АБДУЛЛАЕВ, халқ депутати Андижон вилояти Кенгашининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология бўйича доимий комиссия раиси.



йўналишида Ўзбекистон Миллий университетида ёшларга сабоқ берилаётгани диққатга сазовор. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ислохотлар ижил давом эттириляпти. Ушбу жараёнда энг самарали қарорларни қабул қилишда тўлиқ далилий маълумотларга эга бўлиш жуда муҳимдир. Қувонарлиси шундаки, ЮНИСЕФ ҳамда Ўзбекистон ҳукумати бир неча ҳафта олдин қўллаб-қастерли индикаторлар (MICS)ни болашони ўтказиши келишиб олди. Мазкур дастур ЮНИСЕФ томонидан болалар ҳолатини назорат этиш масаласида узлишларга барҳам бериш мақсадига ишлаб чиқилди.

ЭЪТИРОФ

ларли даражада камайди. Янги вакциналарни ишлаб чиқариш, режалаштириш тизимини мустаҳкамлаш, препаратларни харид қилиш ҳамда етказиш, шунингдек, иммунитетга бўйича ходимлар салоҳиятини ривожлантириш масалаларида ҳам ЮНИСЕФ фаоллик кўрсатмоқда. Ҳаётнинг дастлабки босқичидан бошланадиган тўғри овқатланиш болаларнинг жисмоний ва ақлий ривожланиши ҳамда саломатлигига муҳим роль ўйнайди. Ҳамкорлик доирасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги овқатланиш масаласида ўтказилган илк миллий сўровнома якунига етди. Болалар соғлигини сақлаш, уларнинг овқатланиши, эрта ёшдан ривожланиши муҳофазасида тишини қамраб оладиган кўп тармоқли ёндашув — уй ташрифлари хизматлари такомиллаштирилди. Бу оилаларга зарурий тавсиялар бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш имконини яратади. Ўзбекистон — таълим сифатини янада такомиллаштириш, шу орқали барчани билим олишга йўналтириш тарафдори. ЮНИСЕФ мазкур масалада ҳукуматга ёрдам кўрсатмоқда. Ўзбекистонда болалар ҳамда ёшлар ҳуқуқларини муҳофазасида этишда Омбудсман институтини яратиш юзасидан ҳам ҳамкорлик қилияпти. Мамлакатнинг ижтимоий соҳа вакилларининг касбий хизматларини кенгайтириш бўйича режа ишлаб чиқилгани ва бу

Аҳолига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлиги ошади

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Қарор ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг худудий бўлинмалари томонидан бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасаларида республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, олий тиббиёт таълим муассасалари клиникалари, кўп тармоқли шифохоналарнинг етакчи мутахассислари иштирокида тизимли равишда аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилади.

Беморларга таълим кўйиш ва уларни гемодиализга юбориш жараёнининг халқаро амалиётга мувофиқ қайта кўриб чиқиши, юртимизда сурункали буйрак етишмовчилигига дучор бўлганлар ҳисобини юртининг мониторингини олиб боришнинг ягона электрон регистри жорий этилиши нефрологик касалликларни даволаш ва реабилитация қилиш бўйича ишларни янги босқичга кўтарилади.

Аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ва гемодиализ тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг тасдиқлангани бу борада кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши таъминлайди.

Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси негизда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг ташкил этилиши, айниқса, мамлакатимиз ҳаёти ва тиббиётида катта воқеалар. Мазкур даргоҳ нафақат жойлардаги муассасаларни услубий жиҳатдан зарур материаллар билан таъминлайди, балки соҳада илм-фанни ривожлантиришга, даволашнинг юқори технологик усуллари ва замонавий стандартларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга ҳисса қўшади.

Марказдаги гемодиализ аппаратларининг умумий сони 40 тага (шулардан 10 таси болалар гемодиализи бўлими учун) ва беморларнинг стационар равишда даволаши учун ўринлар сони 170 тага оширилиши мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан даволанишга муҳтож бўлиб келатган юртдошларимизга юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам беришга асос яратди. 20 ўринга мўлжалланган буйрак трансплантацияси бўлимининг очилиши ҳафта даво-

мида 4-5 нафар беморга буйракни кўчириб ўтказиш амалиётини бажаришга, бу эса йиллар давомида гемодиализ муолажасини олаётганлар сонини қисқартириш ва унга муҳтожларнинг тезроқ бу муолажага бўлган эҳтиёжини қондиришга ёрдам беради.

Бугунги кунда шифохонамизда кенг қўламли реконструкция ва қурилиш ишларини олиб боришга пухта ҳозирлик кўрилмақда. Атроф ободонлаштириляпти.

Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази негизда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти "Нефрология, гемодиализ ва буйрак трансплантацияси" кафедраси ташкил этилади. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, магистратура ва клиник ординатуранинг "нефрология" ва "болалар нефрологияси" мутахассисликлари бўйича янги йўналишлари очилади. Бу соҳанинг ориқли муаммоси — кадрлар масаласини самарали ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Марказда яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, билиминин бойитган, малакасини оширган шифокорлар замонавий дунё стандартлари ва протоколларига мос муолажалар ҳамда операцияларни ўткази олишига ишонимиз.

Президентимиз қарорининг яна бир муҳим жиҳати, "Ўзбекистон диализ жамияти" нодавлат нотижорат ташкилотининг тузилишидир. Гемодиализ муолажасини олишга мажбур бўлиб қолган беморларнинг бирданига саросимага тушишини ҳаммамиз тушунамиз. Ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири бундай беморларни руҳий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, гемодиализ хизмати фаолияти устида жамоатчилик назорати ўрнатиш, даволашнинг замонавий услубларини амалиётга киритишдан иборатдир.

Халқаро ҳамкорликнинг кучайтирилиши чет эл етакчи клиникаларининг юқори малакали мутахассислари томонидан юртимизда ўқувларни ташкил этиш, ёш кадрларимизнинг эса бу клиникаларда тажрибасини ошириб қайтишига имкон яратди.

Уллубек ЮЛДАШЕВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош трансплантолог, Тошкент шаҳар нефрология шифохонаси буйрак трансплантация бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди.

«Ўзбекистоннинг ядро энергетикасини ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатлари мутлақо тўғри ва ниҳоятда оқилона қарордир»

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Жумладан, ўтган йили Россиянинг "Росатом" давлат корпорацияси делегацияси республикага ташриф буюргани эслатиб ўтилади. Томонлар тинчлик мақсадларида атом энергетикасини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик юзасидан битим имзолаган эди. Хўж-жат мазкур соҳада аниқ йўналтирилган лойиҳалар ва илмий тадқиқотларни амалга оширишга қаратилган. "Anadolu" журналистлари Ўзбекистон радиоизотопларни ишлаб чиқариш ва уларни sanoat, тиббиёт ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида қўллаш борасида салмоқли салоҳиятга эгалигини алоҳида таъкидлайди.



"Eurasia Daily" ахборот-таҳлилий порталида жойлаштирилган шарҳ шундай номлан-

ган. Мақолада айтилишича, янги тузилма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақома-си ҳузурда фаолият юритади. Агентлик атом энергетикасини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсати ва стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органи саналади.

"Интерфакс" ахборот агентлиги (Россия) мухбири эса атом энергетикасини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсати ва стратегик йўналишларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органи саналади.



соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ҳукуматимизнинг режалари ҳақида фикр юритган. Хусусан, жорий йилнинг охиригача Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетига янги квоталар ажратилиши билдирилган. Маз-

кур йўналишда таълим оладиган талабалар учун атом энергетикасининг аниқ мутахассисликлари юзасидан хорижий таълим муассасаларида ўқиши ва амалиёт ўташи учун шароитлар яратилиши ҳусу-сида сўз юритилган.

Беларусининг марказий "Беларусь телеграф агентлиги" ("БЕЛТА") Ўзбекистон Халқаро атом энергияси агентлиги, Атом энергияси бўйича Европа ҳамжамияти ва бошқа халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни кенгайтиришни режалаштираётгани ҳақида хабар қилади. Ушбу ҳамкорлик атом энергетикаси соҳасига хорижий инвестицияларни ва илгор технологияларни жалб этишга кўмаклашди, деб ёзади беларуслик журналистлар.



Озарбайжоннинг "Тренд" ахборот агентлиги шарҳловчиларининг фикрича, Ўзбекистоннинг ядро энергетикаси бозорига кириб бориши бу ердаги "кучлар мувозанати"ни ўзгартириб юбориши мумкин. "Кўп сонли аҳоли, катта микдордаги табиий ресурслар ва салмоқли инфратузилмавий имкониятларга эга республика жаҳон атом энергетикаси бозорига муҳим субъектга айланиши кутилмоқда".

Анвар МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

МАДАНИЯТ хабарлари

Археология оламига қизиқиш

Термиз археология музейи томонидан "Амударё" болалар соғломлаштириш оромгоҳида "Археология оламига саёҳат" номили кўчма кўргазма ташкил қилинди.

Болаларга музей ва унда сақланаётган экспонатлар ҳақида кенг тушунчалар берилди. Осориатикалар фотосуратлари эса ўғил-қизларнинг юртимиз тарихи, маданиятига бўлган қизиқишини оширди.

Ранглардаги жозоба

Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида Бадий академия академиги, "Дўстлик" ордени соҳиб, маҳоратли rassom Аслиддин Исаевнинг "Рангларда нур ва жозоба" номили кўргазмаси ташкил этилди.

Унда ижодкорнинг рангтаъсир жанридаги юзга яқин асарлари намойиш этилмоқда. Уларда инсон ва табиат уйғунлиги, фалсафаси қаламга олинган. Шундан бўлса керак, томошабинни теран фикрлашга чорлайди.

«Замин» — халқаро фестиваль иштирокчиси

"Баркамол авлод" республика болалар бадий ижодиёт маркази қошидаги "Замин" болалар театр студияси жамоаси Малайзияда ўтказилган Халқаро ёшлар миллий ашула ва рақс фестивалида иштирок этди. Улар "Энг яхши ёш рақоса", "Энг яхши ёш рақоса" ҳамда "Энг яхши гуруҳ" номинацияларида ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Фестивалда Малайзия, Индонезия, Филиппин, Шри-Ланка, Россия ва Ўзбекистондан 30 дан зиёд ашула ва рақс гуруҳлари қатнашди.

Маданият вазирлиги хабарлари асосида Дилмурод СОДИҚОВ тайёрлади.

Ташаббус

Кўшработ фидойиларни чорламоқда

Кўшработ тумани тиббиёт бирлашмасида "Кўшработ чорлайди!" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Республикамаизнинг турли ҳудудларида фаолият олиб бораётган кўшработлик олимлар, шифокорлар, тадбиркорлар таклиф қилинган ушбу тадбир бу ердаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадида уюштирилди.

— Туманимиздаги даволаш-профилактика муассасаларида 131 нафар врач ва 851 нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият кўрсатади, — дейди Кўшработ тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Баҳром Эгамбердиев. — Аслида эса бизга 300 нафар врач керак. 18 нафар йилгит-қизни соҳага тааллуқли институтни битириш арафасида ишга таклиф қилган эдик. Улар умумий амалиёт шифокори сифатида кишлоқ врачлик пункти, оилавий поликлиникаларда иш бошлаб юборишди. Энди юртимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган кўшработлик врачлар туманимизга келиб ишлаш истагини билдирса, барча шароитни яратиб беришга тайёрмиз.

Тадбир иштирокчиларига тумандаги тиббиёт муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолига тезкор ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида олиб

борилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Илгари баъзи касалликларни жарроҳлик йўли билан тузатишга зарурат туғилганда, вилоят ёки республика марказига юбориларди, — дейди жарроҳ Бегмат Назаров. — Эндиликда вилоятдан ёки Тошкентдан мутахассислар чақрилиб, бундай ишлар шифохонанинг ўзида амалга ошириляпти.

"Кўшработ чорлайди!" тадбирига таклиф этилган юқори тажрибага эга, бугунги кунда вилоят ва республика марказидаги энг замонавий шифохоналарда фаолият юритаётган шифокорлар эндиликда ҳар ойда бир марта Кўшработга келиб, мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиб беришни зиммаларига олдилар. Бу жараён аниқ жадвал асосида амалга оширилади-ган бўлди.

Мамодиёр ЗИЁДИНОВ,
(«Халқ сўзи») мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

«ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

юридик шахслар учун мўлжалланган қўйидаги янги, жозибador депозит сертификатларини таклиф этади:

- номинал қиймати — 50 000 000 (эллик миллион) сўм;
- фоиз ставкаси — депозит сақлаш муддатига боғлиқ бўлган ҳолда:
- 365 кун — йиллик 10 фоиз;
- 540 кун — йиллик 11 фоиз;
- 730 кун — йиллик 12 фоиз;
- 912 кун — йиллик 13 фоиз;
- 1095 кун — йиллик 14 фоиз;
- қимматли қоғозлар тури — эгасининг номи ёзилган.

Депозит сертификатлар бўйича фоизлар ҳар ойда тўланади.

Депозит сертификатлари «Ипотека-банк» АТИБ Тошкент шаҳар филиаллари орқали сотилади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олиш мумкин: (0-371) 150-98-19, 150-89-52.

Хизматлар лицензияланган.

Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техника таъминоти бошқармаси

қуйидагиларни сотиб олиш учун танлов савдолари муддати узайтирилганлигини эълон қилади:

- электр иш столи — 2 тўплам;
- дурадгор иш столи — 2 тўплам;
- чилангар иш столи — 12 тўплам;
- асбоб ва жиҳозлар учун икки табақали қулфланган металл шкаф — 8 тўплам;
- токарлик дастгоҳи (кичик) — 1 тўплам;
- бургилаш дастгоҳи — 1 тўплам;
- йўниш дастгоҳи — 1 тўплам;
- йўниш дастгоҳи (кичик) — 1 тўплам;
- металл учун дискли айланма арра (кичик болгарка) — 1 тўплам;
- металл учун дискли айланма арра (болгарка) — 1 тўплам;
- электр кўл рандаси — 1 тўплам;
- электр кўл рандаси (кичик) — 1 тўплам;
- металл кесувчи (консоль типидagi кўндаланг кесувчи арра, бурчак кесувчи) — 1 тўплам;
- пайвандлаш лампаси — 1 тўплам;
- пайвандлаш лампаси (кичик) — 1 тўплам;
- чилангарлик столи учун бурилувчан тиски сандони билан 200 мм. — 1 тўплам;
- чилангарлик столи учун бурилувчан тиски сандони билан 120 мм. — 1 тўплам;
- мотоболгарка (бензин билан кесувчи металл ва тош учун Д-400 м) — 1 тўплам;
- мотопомпа 50 — 1 тўплам;
- мотогидравлик кўтаргич (подъемник) — 1 тўплам;
- лентали арра — 1 тўплам;
- тош кесувчи универсал кескич — 1 тўплам;
- электр лобзик — 1 тўплам;
- мотопомпа 100 — 1 тўплам;
- бензинда ишловчи арра (бензопила) — 1 тўплам;
- айланма дастарра 165 мм. (тахта ва тош учун) — 1 тўплам;
- айланма дастарра 235 мм. (тахта учун) — 1 тўплам;
- айланма дастарра 120 мм. (тахта ва тош учун) — 1 тўплам;
- кафелкескич — 1 тўплам;
- электр қайчи — 1 тўплам;
- электродрель (икки хил тезликда ишлайдиган, зарбли) — 1 тўплам;
- электродрель (зарбли, кичик) — 1 тўплам;
- аккумуляторда ишлайдиган шуруп бурагич (зарбли) — 1 тўплам;
- аккумуляторда ишлайдиган шуруп бурагич (зарбли, кичик) — 1 тўплам;
- перфоратор — 2 тўплам;
- силлиқлаш (шлифовальная) машинкаси (лентали) — 1 тўплам;
- бурчак силлиқлаш машинкаси (лентали) — 1 тўплам;
- бурчак силлиқлаш машинкаси 125 мм. (лентали) — 1 тўплам;
- бурчак силлиқлаш машинкаси 230 мм. (лентали) — 1 тўплам;
- бурчак силлиқлаш машинкаси 180 мм. (лентали) — 1 тўплам;
- пайвандлаш маскаси (панорамали рақамли) — 3 дона;
- электр ичун жиҳозлар жамламаси (кейс) — 1 тўплам;
- дурадгор учун жиҳозлар жамламаси (кейс) — 2 тўплам;
- чилангар-механик учун жиҳозлар жамламаси (кейс) — 2 тўплам;
- калитлар жамламаси (набор рожковых ключей 6—32 мм. (кейс) — 2 тўплам;
- қўл степлери (қурилишга) — 2 тўплам;
- парчинлаш асбоби — 1 тўплам;
- пластик трубалар учун пайвандлаш ускунаси — 1 тўплам;
- сантехника газ калитлари жамламаси № 1, № 2, № 3 (американка) — 3 тўплам;
- чилангар-механик жиҳозлари стационар жамламаси (шкаф) — 2 тўплам;
- кўчма пайвандлаш инвертори 220 — 230 Вт (гилдиракда) — 1 тўплам;
- кўчма пайвандлаш инвертори 220 Вт (кичик) — 1 тўплам;
- генератор 7 кВт — 1 тўплам;
- генератор 3 кВт — 1 дона;
- электр калорифери 3 кВт — 2 дона;
- дизель калорифери — 2 дона;
- узайтиргич (удлинитель) 25 м. — 2 дона;
- узайтиргич 30 м. (2*3,5) — 2 дона;
- узайтиргич 50 м. (2*3,5) — 2 дона;
- рулетка 5 м. — 2 дона;
- рулетка 8 м. — 2 дона;
- симёғочлар учун тирноқли чангал, камари билан — 1 тўплам;
- нарвон 2 м. (алюминий) — 2 дона;
- нарвон 3 секцияли 12 м. (алюминий) — 2 дона;
- асбоблар учун пластмасса яшиқ — 4 дона;
- хаво компрессори — 2 дона;
- юқори босимли сув насоси (220 Вт) — 2 тўплам;
- боғлар учун пуркагич (бензинли) — 1 тўплам;
- бетонқорширгич 260 л. (220 Вт) — 1 тўплам;
- стамескалар жамламаси — 6 тўплам;
- қўл ранда — 6 тўплам;
- кўтаргичли арава (тележка-подъемник) гидравлик — 1 тўплам.

Кўйидагиларни сотиб олиш бўйича тижорат таклифларини қабул қилиш муддати узайтирилади:

- бир ўқли тиркамага ўрнатилган кўчма ёритиш электростанцияси — 2 тўплам;
- бир ўқли тиркамага ўрнатилган кўчма универсал зарядловчи электростанция — 8 тўплам;
- электростанция — 5 тўплам;
- бензинда ишловчи занжирли арра — 13 дона.

Тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 календар кунни мобайнида қабул қилинади.

Танлов савдолари қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Маълумот учун ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 гача юқоридаги манзил бўйича ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (+99871) 231-40-98 (набатчи), 281-46-71.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюролма Г — 745. 78 621 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган кўлабмақал таъриф қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.
Газетанинг сўзга берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Набатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
"Буёқ Турон" кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.07 Топширилди — 23.05 1 2 3 4 5 6